



TASHKENT STATE
UNIVERSITY OF ECONOMICS

ФОРУМ СОСТОИТ ИЗ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИХ КОНФЕРЕНЦИЙ, ПРЕДСТАВЛЯЮЩИХ МАСТЕР-КЛАССЫ И ЛИТЕРАТУРНЫЕ ВЫСТАВОК И ПРИМЕРЫ РАБОТ, ПРЕДСТАВЛЯЮЩИЕ КРУПНУЮ ПЛОЩАДКУ ДЛЯ ОБМЕНА НАУЧНЫМ И ПРАКТИЧЕСКИМ ОПЫТОМ В СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКОЙ СФЕРЕ МЕЖДУ УЧЕНЫХ И ОТЕЧЕСТВЕННЫХ СПЕЦИАЛИСТОВ

1ST TSUE DEVELOPMENT
STRATEGY FORUM

II КОНФЕРЕНЦИЯ ПО ТРАНСФОРМИРОВАНИЮ
ЖАРАЙИНА МОЛЛЯ ТИЗИМИНА
БУХГАЛТЕРИЯ ХИСОБИ
АРХИТЕКТУРАСИНИ ТАКОММУША
МАСАЛАЛАРИ

RAQAMLI IQTISODIYOT VA AXBOROT TEXNOLOGIYALARI

ELEKTRON ILMIY JURNALI MAXSUS SON

2022

ORGANIZING THE 1ST TSUE DEVELOPMENT STRATEGY FORUM
TO DISCUSS THE CURRENT TRENDS IN THE NATIONAL ECONOMIC TRENDS. THE AIM OF THE FORUM IS TO ORGANIZE A PLATFORM FOR THE EXCHANGE OF IDEAS AND EXPERTISE ON VARIOUS TOPICS RELATED TO THE CURRENT TRENDS IN THE ECONOMIC DEVELOPMENT IS

20-21 ОКТЯБРЬ | ФОРУМ СТРАТЕГИИ РАЗВИТИЯ



РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ВА АҲБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ DIGITAL ECONOMY AND INFORMATION TECHNOLOGY

Илмий электрон журнал | Scientific electronic journal

МУАССИС | FOUNDER

Тошкент давлат иқтисодиёт университети

Tashkent State University of Economics

ТАҲРИР КЕНГАШИ РАИСИ | CHAIRMAN OF THE EDITORIAL BOARD

Шарипов Конгратбой Аvezimbetovich – т.ф.д., профессор

Sharipov Kongratboy Avezimbetovich – doctor of technical sciences, professor

БОШ МУҲАРРИР | EDITOR-IN-CHIEF

Абдуллаев Мунис Курбонович – и.ф.ф.д. (PhD), доцент

Abdullahayev Munis Kurbonovich – PhD, docent

БОШ МУҲАРРИР ЎРИНБОСАРИ | DEPUTY CHIEF EDITOR

Вафоев Бобуржон Расулович – и.ф.н., доцент

Vafoev Boburjon Rasulovich – PhD, docent

МАСЬУЛ КОТИБ | EXECUTIVE SECRETARY

Л.А. Аблазов | Ablazov L.A.

ВЕБ-АДМИНИСТРАТОР | WEBMASTERS:

Н.Я. Нурсайдов, А.Ш. Махмудов | Nursaidov N.Ya., Makhmudov A.Sh.

ТАҲРИРИЯТ АЪЗОЛАРИ | EDITORIAL BOARD

С.С. Гулямов – и.ф.д., академик.

Б.А. Бегалов – и.ф.д., профессор.

М.П. Эшов – и.ф.д., профессор.

О.Қ. Абдурахмонов – и.ф.д., доцент.

К.Б. Ахмеджанов – и.ф.д., профессор.

И.М. Алимардонов – и.ф.д., доцент.

Р.Салиходжаев – и.ф.ф.д. (PhD).

Проф. Холназар Амонов (Чехия).

Проф. Ҳамид Эргашев (Англия).

Проф. Карина Татек Банетти (Чехия).

Проф. Одиложон Абдурассаков
(Германия).

Проф. Эко Шри Маргианти (Индонезия).

Проф. Дмитрий Назаров (Россия).

Проф. Н.М. Сурнина (Россия).

Проф. Марк Розенбаум (АҚШ).

PhD. Абдул-Рашид (Афғонистон).

PhD. Аҳмед Моҳамед Азиз Исмоил (Миср)

PhD. Бекзод Саидов – (АҚШ).

А.А. Исмаилов – и.ф.д., профессор.

И.Е. Жуковская – и.ф.д. (DSc), профессор.

Т.С.Кучкоров – и.ф.д. (DSc), профессор.

Р.А. Дадабаева – и.ф.н., доцент.

Ш.И. Ҳашимходжаев – и.ф.н., доцент.

А.А. Абидов – т.ф.н., доцент.

И.М. Абдуллаева – и.ф.н., доцент.

Н.Б. Абдусаломова – и.ф.д. (DSc),
профессор.

Р.Х. Насимов – т.ф.н., доцент.

А.Б. Бобожонов – и.ф.ф.д. (PhD).

С.О. Хомидов – и.ф.ф.д. (PhD).

Ш.С. Егамбердиев – и.ф.ф.д. (PhD).

MUNDARIJA:

Азларова Азиза Ахроровна ЎЗБЕКИСТОНДА ТРАНСФОРМАЦИЯ ЖАРАЁНИДА БАНК ТИЗИМИ АРХИТЕКТУРАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ	4
Абидов Абдужаббор Абдухамидович, Мирзаахмедов Дилмурод Мирадилович АНАЛИЗ СОВРЕМЕННЫХ УГРОЗ ИНФОРМАЦИОННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ	8
Абдулаев Мунис Курбанович, Зарипов Баҳодир Бобомурод ўғли ОЛИЙ ТАЪЛИМ МУАССАСАЛАРИДА РАҶАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ Қўллашнинг илфор хорижий тажрибалари	13
Мансуров Мансур Алишерович ДАВЛАТ БЮДЖЕТИ ҒАЗНА ИЖРОСИНИ АВТОМАТЛАШТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ	19
Яхшиева Мавлуда Турсуновна ЦИФРОВЫЕ ТЕХНОЛОГИИ КАК СРЕДСТВО ПОВЫШЕНИЯ ЭФФЕКТИВНОСТИ И КАЧЕСТВА ОБРАЗОВАНИЯ	25
To'rabekov Farxod Sanaqulovich, Shofiddinova Zulfizar Ixtiyor qizi TA'LIMDA RAQAMLI (DIGITAL) TEXNOLOGIYALARDAN FOYDALANISHNING DIDAKTIK IMKONIYATLARI	30
Абдураширова Марина Сагатовна РАҶАМЛИ ИҚТISODIЁТНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ДАВРИДА ОЛИЙ МАЪЛУМОТ	34
Nabiyeva Feruza Odilovna, Abdullayev Munis Qurbanovich ELEKTRON TIJORATNING RIVOJLANISHIGA TA'SIR ETUVCHI OMILLAR: O'ZBEKISTON MISOLIDA	41
Homidov Hamdam Hasan o'g'li, Ablazov Lazizbek Abdiqosimovich QISHLOQ XO'JALIGI SAMARADORLIGINI STATISTIK TAHLIL QILISHDA SUN'IY INTELLEKT TEXNOLOGIYALARINI JORIY ETISHDAGI HARAKATLAR	50
Karimova Shirin Zoxidovna JAHON IQTISODIYOTIDA ELEKTRON TIJORATNING AHAMIYATI	55
Мирзакаримова Мухаббатхон Махмуд қизи СУНЬЙИ ИНТЕЛЛЕКТ ОРҚАЛИ МАСАФОВИЙ ТАЪЛИМНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ	60

Boboqulov Abror Abdug'ani o'g'li	PROSPECTS OF IMPLEMENTATION OF "ARTIFICIAL INTELLECT" IN UZBEKISTAN	66
Абдуллаев Ҳабибулло Асадулла ўғли	РАҶАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАР ВА САНОАТЛАШТИРИШ - МИНТАҚА САНОАТ ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИ РИВОЖЛАНТИРИШ МЕХАНИЗМИ СИФАТИДА	71
Rajabov Doniyor Dilshod o'g'li	BOSHQARUV HISOBIDA BIZNES JARAYONLARINI AVTOMATLASHTIRISHNI TAKOMILLASHTIRISH	75
Файзиева Муяссарзода Ханчаровна	ТИЖОРАТ БАНКЛАРИДА РАҶАМЛИ ТЕХНОЛОГИЯЛАРНИ ЖОРИЙ ЭТИЛИШИГА ЎЗБЕКИСТОН ЭҲУКУМАТИ РИВОЖЛANIШИНинг ТАЪСИРИ	81
Hamidov Sardor Rahmonovich	TRANSFORMATION OF THE BANKING SECTOR IN THE CONDITIONS DIGITALIZATION OF THE WORLD ECONOMY	89
Boltayeva Dilafza Jumaqulovna	IS-LM-BP MODELINING MOHIYATI, ASOSIY XUSUSIYATLARI VA MEZONLARI	94



ЎЗБЕКИСТОНДА ТРАНСФОРМАЦИЯ ЖАРАЁНИДА БАНК ТИЗИМИ АРХИТЕКТУРАСИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ МАСАЛАЛАРИ

Азларова Азиза Ахроровна,

Банк иши ва инвестициялар кафедраси профессори

Аннотация

Мазкур мақолада Ўзбекистонда трансформация жараёнида банк тизими архитектурасини такомиллаштириш масалалари назарий жиҳатдан таҳлил қилинган. Хусусан, трансформация жараёнининг банк молия хизматларига таъсири таҳлил қилинган, мавжуд муаммолар аниқланган ва уларни бартараф этиш юзасидан таклифлар ишлаб чиқилган.

Калит сўзлар

Трансформация, банк, банк тизими, банк хизмати, рақамли иқтисодиёт, банк архитектураси, молиявий хизматлар, инновация.

Кириш. Бугунги кунда банк тизимига замонавий сервис ечимлари асосида ахборот технологияларини, молиявий технологияларни кенг жорий этиш, ахборот хавфсизлигини лозим даражада таъминлаш, шунингдек, молиявий хизматлар кўрсатишда инсон омили таъсирини камайтириш, уларнининг трансформация жараёнини жадаллаштириш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Маълумки, банк соҳасидаги замонавий ҳолат таҳлили банк секторида давлатнинг юқори даражадаги аралашуви, давлат иштирокидаги банкларда менежмент ва таваккалчиликларни бошқариш сифатининг етарли эмаслиги, иқтисодиётда молиявий восита-чиликнинг паст даражаси каби банк секторини иқтисодий янгиланишлар ва жамият эҳтиёжларига мос равишда ривожлантиришга тўсқинлик қилаётган қатор тизимли муаммолар мавжудлигини кўрсатди. Шу жиҳатдан Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2020–2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги Фармони қабул қилинди [5].

“Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси” [5] банклардаги давлат улушини хусусийлаштириш, уларнинг корпоратив бошқарув тизимини такомиллаштириш, банк хизматлари сифатини ошириш ва кўламини кенгайтириш, замонавий ахборот технологияларини жорий қилиш ҳамда кадрлар салоҳиятини ошириш орқали амалга ошириш белгиланган. Бунда асосий эътибор банк қузатув кенгашларига

банк соҳасида халқаро тажрибага эга бўлган мустақил аъзоларни киритган ҳолда мижозларга кенг қўламли хизматларни (инвестицион банкинг, факторинг, лойиҳавий молиялаштириш) таклиф этиш, янги концепция ва технологияларни жорий қилиш (финтех, маркетплейс, рақамли банк) ва кадрлар малакасини ошириш ва уларни қайта тайёрлашга қаратилган.

Шундай экан, тижорат банклари фаолиятини трансформациялашуви – банк хизматлари бозорида рақобатбардош молиявий муҳитни яратади ва замонавий банк хизматларини кўрсатиш кўламини оширади, пировард натижада банк тизими архитектурасини такомиллаштириш имкониятини оширади.

Тадқиқот методологияси. Тадқиқотни амалга оширишда банк тизими архитектурасини такомиллаштиришда трансформация жараёнининг кечиши билан боғлиқ замонавий ҳолатни назарий ва амалий жиҳатдан баҳолаш, мазкур соҳани ривожлантиришда ҳисса қўшган олимлар ва соҳа вакилларининг ёзма ҳамда оғзаки фикр-мулоҳазаларини таҳлил қилиш, жараёнларни кузатиш, иқтисодий ҳодиса ва жараёнларга тизимли ёндашув, муаллиф тажрибалари билан қиёсий таҳлил ўтказиш орқали тегишли йўналишларда хуласа, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижалари. Тадқиқот жараёнида олинган натижаларнинг қисқача тавсифи:

Ўзбекистонда трансформация жараёнида банк тизими архитектурасини тако-

миллаштириш борасида илмий ва хукуқий асослар ўрганилди;

тижорат банкларининг трансформациялашув жараёнининг замонавий ҳолати ҳамда янги инновацион молиявий хизматларни жорий қилиш амалиёти иқтисодий кўрсаткичлар ёрдамида таҳлил қилинди;

амалга оширилган изланишлар натижасида трансформация жараёнида банк тизими архитектурасини такомиллаштириш юзасидан хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилди.

Таҳлиллар. Дунёning барча мамлакатларида инвестиция жалб қилишда тижорат банклари муҳим ўрин тутади. Хорижлик инвесторлар сармоя киритиш учун халқаро тоифадаги банкларнинг кафолатини тақдим этишни сўрайди. Шу сабабли банк тизимида давлат улуши нуфузли хорижий банк холдингларига сотиш орқали камайтириш мақсадга мувофиқ ҳисобланади. Бу йўл орқали иккита мақсадга эришилади. Биринчидан, давлат улуши камайиши орқали хусусий банклар ўртасида рақобат ривожланиб, хизматлар сифати яхшиланади, кредит фоиз ставкалари тушади. Иккинчидан, давлат банкларининг хукumat кафолати остида олаётган қарзлари камайиб, умумий ташки қарзга ижобий таъсир кўрсатади.

Шу жиҳатдан республикамиз банк тизими архитектурасини такомиллаштириш бевосита “Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси”[5]да белгиланган вазифалардан келиб чиқиб, учта халқаро молия институти (ХМК, ЕТТБ ва ОТБ) ҳамда KPMG, PWC Ernst&Young ва McKinsey каби хорижий консалтинг компаниялари билан ҳамкорликда давлат иштирокидаги банкларни трансформация қилиш ва хусусийлаштиришга тайёрлаш жараёнлари билан узвий боғлиқ.

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки маълумотларига кўра, 2021 йилда республикада фаолият юритаётган тижорат банклари сони 1 тага (“BANK APELSIN”) кўпайиб, 2022 йилнинг 1 январь ҳолатига 33 тага етган. Улардан 12 таси капиталида давлат улуши мавжуд банклар, 16 таси хусусий банк ҳамда 5 таси хорижий банк капиталига эга банклардир.

2022 йилнинг 1 январь ҳолатига тижорат банклари филиаллари сони 860 тани, мини-банклар сони 158 тани, банк хизматлари кўрсатиш офислари сони 1086 тани ҳамда туну кун (24/7) ишлайдиган шохобчалар сони 2 287 тани ташкил этган [12].


Республикамизда банкларда активлардан самарали фойдаланган ҳолда фаол чакана банк хизматларини кўрсатиш ва харажатларни

оптималлаштириш орқали даромадлилик кўрсаткичларини мақбул даражада бўлишини таъминлаш чоралари кўрилиши натижасида, 2021 йил якунлари бўйича банклар томонидан жами 64,6 трлн. сўм даромадлар олинган бўлиб, уларнинг 73 фоизи фоизли даромадлар ва 27 фоизи фоизсиз даромадлар ҳиссасига тўғри келган. Фоизли даромадларнинг жами даромадлар таркибидаги улуши 2020 йил якунидаги 76 фоиздан 2021 йил якунига 73 фоизга пасайган.

Банкларда замонавий ахборот технологияларини кенг жорий этган ҳолда банк бизнес жараёнларини автоматлаштириш ва хизматларни рақамли каналлар орқали кўрсатиш натижасида микроқарзлар ажратилиши, омонатлар жалб этилиши, аҳоли билан айрбошлиш хизматлари амалга оширилиши ва коммунал тўловларнинг салмоқли қисми айнан мобиъл иловалар орқали амалга оширилмоқда.

Хусусан, 2021 йилда соф фоизсиз даромадлар 49 фоизга ёки 4 трлн. сўмга ортиб, 12,3 трлн. сўмга, жами даромадлар таркибидаги улуши 2020 йил якунидаги 24 фоиздан 2021 йил якунига 27 фоизга ўсган.

Натижада операцион самараదорлик кўрсаткичи банк тизимида йил давомида 38 фоизни ташкил этган ҳолда, халқаро амалиёт бўйича мақбул даражада (50 фоиз) сақланган (1-расм).




1-расм. Операцион самараదорлик кўрсаткичи (CIR) динамикаси [12]

Банклар фаолиятида юзага келган кредит хатарларининг улар молиявий барқарорлигига бўлган салбий таъсирини юмшатиш мақсадларида муаммоли кредитлар бўйича захираларни босқичма-босқич шакллантириш чоралари кўриб борилиши натижасида 2021 йил давомида банкларнинг 3,2 трлн. сўмлик даромадлари эҳтимолий йўқотишларга қарши захиралар шакллантиришга йўналтирилган.

Натижада банкларнинг жами соф фойдаси 3,9 трлн. сўмни ташкил этиб, 2020 йилга

нисбатан 21 фоизга камайган. Ўз навбатида, банклар томонидан активлардан фойдаланиш самарадорлигини баҳоловчи активлар рентабеллиги кўрсаткичи ҳисобот йилида 2020 йилдаги 2,2 фоиздан 1,3 фоизга пасайган (2-расм).




2-расм. Банк тизими активлар рентабеллиги (ROA) динамикаси [12]

Шунингдек, банк тизимида капитал рентабеллиги кўрсаткичи ҳисобот 2021 йилда 2020 йилдаги 10,2 фоиздан 6,1 фоизга пасайган.

2021 йилда тижорат банкларининг жами активлари 22 фоизга ўсиб, 2022 йилнинг 1 январь ҳолатига 444,9 трлн. сўмни ташкил этиб, активларнинг 71 фоизи кредит қўйилмалари ҳиссасига тўғри келган.

Банклар томонидан иқтисодиётнинг кредитга бўлган талабини қондириш ва тадбиркорлик субъектларини молиявий қўллаб-куватлаш мақсадларига 2021 йилда 166,7 трлн. сўм миқдорида ёки кредитлаш бўйича белгиланган мақсадли кўрсаткичга (130 трлн. сўм) нисбатан 28 фоизга кўп кредитлар йўналтирилган.

Ушбу кредитларнинг 76 фоизи (126 трлн. сўм) корпоратив мижозларга ва 24 фоизи (41 трлн. сўм) аҳолига ажратилган (3-расм).



3-расм. 2021 йилда банклар томонидан ажратилган кредитлар, трлн. сўмда [12]

Ўз навбатида, банкларда кредитларни қарздорлар қирқимида ундириш ишлари

самарадорлигини ошириш ва молиявий ресурсларни банк айланмасига қайтаришда “Pre-collection” (0), “Soft-collection” (1-30), “Hardcollection” (30+), “Legal-collection” (90+) каби замонавий ёндашув усулларидан фойдаланилгани натижасида кредитларнинг қайтувчанлик даражаси 2021 йилда 59 фоиздан 71 фоизгача ошди, кредит қўйилмаларининг ўсиш суръатлари номинал ЯИМ ўсиш суръатлари (18 фоиз) доирасида шаклланган.

Таъкидлаганимиздек, “Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси” [5]да банклар томонидан замонавий корпоратив бошқарувни ташкил этишга алоҳида эътибор қаратилган. Хусусан, Банк назорати бўйича Базель қўмитасининг тавсиялари асосида банкларда бошқарув органларининг ваколатлари тақсимотини аниқ белгилаш, банк бошқаруви шаффоғлигини ошириш, банкни бошқариш давомида юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатарлар ва манфаатлар тўқнашувишининг олдини олишга қаратилган янги талаблар асосида банклар бошқарувининг ташкилий тузилмалари қайта кўриб чиқилиб, самарали назоратни йўлга қўйиш учун банклар кенгашлари хузурида маҳсус қўмиталар ташкил этилган.

Банкларда ижроия органлари фаолиятининг сифати ва натижадорлигини баҳолаш учун давлат улуши мавжуд бўлган 10 та банкда “самарадорликнинг муҳим кўрсаткичлари” (KPI) ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий қилинган.

Банк кенгашларини банк-молия соҳасида хорижий тажрибага эга бўлган мустақил аъзоларни жалб қилиш ишлари ривожлантирилиб, 2021 йил якунидаги давлат иштирокидаги банклар кенгашларига жалб этилган мустақил аъзолар сони 26 нафарни, жумладан, “Ипотека-банк”, “Асакабанк” ва “Халқ банки”да 4 нафарни, “Саноатқурилишбанк”, “Қишлоқ қурилиш банк” ва “Турон банк”да 3 нафарни, “Микрокредитбанк” ва “Миллый банк”да 2 нафарни ҳамда “Агробанк”да 1 нафарни ташкил этган [12].

Ҳар бир давлат улушига эга банк бўйича тасдиқланган трансформация “йўл харита”ларига асосан банкларнинг бизнес моделларини ўзгартиришга қаратилган чоратадбирлар ижроси давом эттирилмоқда, хусусан, банк мижозлари чакана мижозлар, кичик бизнес сектори мижозлари ва корпоратив мижозлар каби учта сегментга ажратилиб, ҳар битта сегментнинг талаб ва эҳтиёжларига мос хизмат кўрсатишни ташкил этишга қаратилган ишлар амалга оширилмоқда.

Шунингдек, банкларда замонавий рискменежмент тизимини жорий этишга қартилган ишлар жадаллаштирилиб, тадбиркорлик субъектлари ва аҳолининг кредит бўйича мурожаатларини ортиқча бюрократик тўсиқларсиз, қисқа муддатда кўриб чиқишини таъминлаш мақсадида кредит ажратишнинг андеррайтинг ва скоринг тизимлари жорий этилди.

Андеррайтинг тизимида қиймати йирик бўлмаган (3 млрд. сўмгача) кредитлар бўйича қарорлар мижоз билан бевосита ишлайдиган “мансабдор шахслар” аралашувисиз андеррайтерлар гурухи томонидан мустақил қабул қилиниб, кредит ҳужжатлари кредит мақсади ва миқдорига қараб 2 соатдан 24 соатгача бўлган муддатда кўриб чиқилади.

Ушбу жараён самарадорлигини таъминлаш мақсадида андеррайтерлар гурухини моддий рағбатлантириш кўриб чиқилган лойиҳалар сони ва сифатидан келиб чиқиб амалга оширилади. Скоринг тизимида эса мижознинг кредитга лаёқатлилиги Солиқ қўмитаси ва кредит бюросидан олинадиган маълумотлар асосида тезкор таҳлил қилинади ва бу тизим овердрафт кредити ва микроқарзни мобиљ илова орқали онлайн тарзда ажратиш имконини бермоқда.

Демак, трансформация жараёнларининг жадаллаши, банклар томонидан аҳоли ва банк мижозларига молиявий хизматларни сифатли, тезкор ва қулай равишда кўрсатишни таъминлаш ҳамда банк операцион харажатларининг камайишига хизмат қиласи.

Хулоса ва таклифлар. Хулоса қилиб айтганда, Ўзбекистонда трансформация жараёнда банк тизими архитектурасини тако-

миллаштириш мақсадида қуйидаги масалаларга алоҳида эътибор қаратилиши жоиз деб ҳисоблаймиз:

1. Банкларнинг фаолиятини, иш услубини ўзгартириш, бунда мижозларга йўналтирилган ўз стратегиясини ишлаб чиқиш;

2. Банклар кердит портфелидаги муаммоли кредитларни танқидий ўрганиш, бу борада банкнинг олис худудларидағи мижозларининг ҳам молиявий аҳолини таҳлил қилиш, ҳар бир мижозга индивидуал ёндашиш;

3. Ахборот технологиялар ва коммуникацияни ривожлантирган ҳолда ахолига сифатли банк хизматларини онлайн шаклда тақдим этишнинг инновацион янги турларини жорий қилишни янада тақомиллаштириш;

4. Рақамли банкинг молиявий хизматларни мобиљ ва онлайн платформалар орқали амалга оширишда вақт ҳамда харажатларни тежаш, шахсий маълумотларнинг хавфсизлигини таъминлаш, хизмат кўрсатиш тезлиги ва сифатини оширишни таъминлаш;

5. Пандемия даврида молиявий аҳволи ёмонлашган хўжалик субъектларига айланма маблағларни тўлдириш учун маблағлар ажратиш ва бу орқали иш ўринларини тиклаш, республикамизда камбағалликни қисқартиришга қаратилган чораларни кўриш;

6. Банк тизимида корупцияга қарши курашишда самарали механизмни яратиш.

7. Банк тизимида ходимлар фаолиятини КРП тизими орқали баҳолаш ва назоратини олиб бориш, уларни моддий ва маънавий рағбатлантириш ёки аксинча;

8. Дастур ва лойиҳаларни молиялаштиришда қуи қатламларгача ўрганиш ва чукур таҳлил қилиш.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикасининг “Банклар ва банк фаолияти тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ-580-сон қонуни. 5.11.2019 й. <https://lex.uz/docs/4581969>

2. Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикасининг Марказий банки тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида”ги ЎРҚ-582-сон қонуни. 11.11.2019 й. <https://lex.uz/docs/4590452>

3. Ўзбекистон Республикасининг “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида”ги қонуни. ЎРҚ-578-сон. 2019 йил 1 ноябрь. <https://lex.uz/docs/4575786>

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги “2022–2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги ПФ-60-сон фармони <https://lex.uz/docs/5841063>.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “2020–2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси тўғрисида”ги ПФ-5992-сон фармони. 12.05.2020 й. <https://lex.uz/docs/4811025>

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-6079-сонли “Raқамли Ўзбекистон – 2030” Стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони. 05.10. 2020 йил. <https://lex.uz/docs/5030957>

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Рақамли иқтисодиёт ва электрон хукуматни кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4699-сон қарори. 28.04.2020. <https://lex.uz/docs/4800657>

8. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлисга Мурожатномаси. “Халқ сўзи” газетаси № 19 (7521). 2020 йил 25 январь.

9. Ablyazov T, Asaul V. On competitive potential of organization under conditions of new industrial base formation // SHS Web of Conferences. 2018. Vol. 44. 00003.

10. Кощеев В.А., Цветков Ю.А. Цифровая трансформация банковского сектора. <https://cyberleninka.ru/article/n/tsifrovaya-transformatsiya-bankovskogo-sektora>

11. <http://www.cbu.uz/uz/payment-systems/remote-banking-services/>

12.https://cbu.uz/upload/medialibrary/ca1/Markaziy_bankning_2021_yil_uchun_hisoboti.pdf

АНАЛИЗ СОВРЕМЕННЫХ УГРОЗ ИНФОРМАЦИОННОЙ БЕЗОПАСНОСТИ

Абидов А.А.,

доцент кафедры «Цифровой экономики и информационных технологий»

Мирзаахмедов Д.М.,

старший преподаватель кафедры «Цифровой экономики и информационных технологий»

Аннотация

В статье анализируются внешние и внутренние угрозы информационной безопасности. Ведь для формирования безопасности информационных данных человека, отдельной компании или всего общества требуется иметь представление о возможных угрозах информационной безопасности. Вследствие реализации данных угроз выделяются приоритеты для специалистов в сфере информационных технологий и безопасности.

Калит сўзлар

Информационная безопасность, информационная среда, ИТ-инфраструктура, угрозы, информационные системы.

Введения. Общемировые процессы информационной глобализации диктуют не только необходимость повсеместного внедрения ИКТ в экономике и сферах жизни стран, но и условия обеспечения безопасности информационных систем. Узбекистан одним из первых в Центральной Азии присоединился к международной системе безопасности в сфере информационных и коммуникационных технологий.

В современном мире важнейшими продуктами стали знания и осведомленность, на лидирующие позиции вышла сфера услуг, стремительно развивается глобальное информационное пространство, при этом современные информационные технологии пре-

доставляют не только новые возможности в решении различных проблем, но и создают принципиально новые вызовы и угрозы.

Появление новейших информационных технологий и систем, развитие и расширение функций социальных сетей, внедрение в социальные сети самых различных сервисов и их алгоритмизация создали инструменты превращения исторического процесса развития человечества из неуправляемого в управляемое и даже проектируемое, появились возможности создавать реальность, не соответствующую действительности, осуществлять воздействие на массовое сознание миллионов людей по всему миру.



РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТ ВА АҲБОРОТ ТЕХНОЛОГИЯЛАРИ
DIGITAL ECONOMY AND INFORMATION TECHNOLOGY
Илмий электрон журнал | Scientific electronic journal

Muharrir:
Yaxshiyev H.T.
Musahhih:
Matxo'jayev A.O.
Tehnik muharrir:
Kamilova D.D.

Litsenziya AI: № 2537 08.02.2022 y. Bosishga ruxsat etildi: 18.10.2022.
Qog'oz bichimi: 60x84 1/8. Shartli bosma tabog'i: 12,75.
Adadi: 50 nusxa. № 19/10-2022-sonli buyurtma.

"IMZO PRINT MEDIA GROUP" XK matbaa bo'limida chop etildi.
100050, Toshkent sh., Mirzo Ulug'bek tumani, Mirxosilboy ko'chasi, 55-uy.

TASHKENT STATE UNIVERSITY OF ECONOMICS

КОНФЕРЕНЦИЯ МАТЕРИАЛЫ
SCHOLAR, INSCIENCE
ИЛМИЙ-ТЕХНИК
ИНДЕКСАЦИЯ КИЛИНИШИ

+998 71 239-28-94 <http://dgeconomy.tsue.uz/>
dgeconomy_tdiu@mail.ru, dgeconomy@tsue.uz
100066, Toshkent shahri, Islom Karimov ko'chasi, 49-uy.



ФОРУМ СОСТОИТ ИЗ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКИХ МАСТЕР-КЛАССОВ И ЛИТЕРАТУРНОЙ ПЛОЩАДКИ ДЛЯ ОБМЕНА ОПЫТОМ В СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСТВЕННЫХ СПЕЦИАЛЬНОСТЯХ

ОКТЯБРЬ 20-21, 2022, TASHKENT STATE UNIVERSITY OF ECONOMICS
ОРГАНІЗУЮТЬ ТАШКЕНТСЬКИЙ ДАРЖАВНИЙ УНІВЕРСИТЕТ ЕКОНОМІКИ
ІННОВАЦІОННОГО РАЗВИТИЯ
ІНДЕКСАЦІЯ КІЛІНІШІ